

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАҚУЛОВ ЮНУС ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

XXI АСР ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА ИНСОН РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ

10.00.07 – Адабиёт назарияси

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Бабақулов Юнус Файзуллаевич

XXI аср ўзбек романларида инсон руҳияти талқини 3

Бабақулов Юнус Файзуллаевич

Интерпретация психологического состояния человека
в узбекских романах XXI века 23

Babakulov Yunus Fayzullaevich

Interpretation of the psychological state of a human
in Uzbek novels of the XXI century 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАҚУЛОВ ЮНУС ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

XXI АСР ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА ИНСОН РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ

10.00.07 – Адабиёт назарияси

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil 1187
рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.til-adabiyot.fan.uz манзилига ва "Ziyo Net" Ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мелиев Сувон, филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Ҳамдамов У.лугбек Абдувахобович, филология фанлари доктори, профессор
	Муродов Ғайрат Некмуродович, филология фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти ҳузуридаги Dsc 02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "16" феврал соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5.Тел.: (99871)233-36-50; факс: (99871)233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси,13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2022 йил "2" феврал да тарқатилди.
(2022 йил "1" феврал даги "10" рақамли реестр баённомаси).

Н.Ф. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., академик

Р. Баракаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Ж.С. Эшонқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётининг нодир намуналарида инсон руҳиятига чуқур кириш, унинг турли-туман қирраларини кашф этиш асосий мақсад ҳисобланади. Зеро, инсоннинг ички оламини ҳар томонлама бадиий тадқиқ этиш адабиётнинг азалий вазифаларидандир. Бежиз, адабиётга инсоншунослик дея таъриф берилмаган. Маълумки, бадиий адабиёт, энг аввало, инсон маънавияти ва руҳиятига, унинг дунёқараши орқали жамиятга ўз таъсирини ўтказди. Шунга кўра, адабиётда акс этган инсон образи, унинг психологияси, ички кечинмаларини тадқиқ этиш ҳамда унга холис баҳо беришдек муҳим илмий масала бугунги кун адабиётшунослиги дунёсидаги долзарб масалалардан бирига айланди.

Дунё адабиётшунослигида XIX аср охири – XX аср бошларида психологик методнинг вужудга келиши билан ушбу метод асосида бадиий асарларни текшириш даври бошланди, натижада бадиий психологизм муаммоси жаҳон адабиётшунослигида муҳим масалалардан бирига айланди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан санъат ва адабиётда инсон руҳиятини янгича бадиий йўсинда акс эттириш, янги бадиий талқинлар бу борада баҳс-мунозаралар ҳамда илмий тадқиқотларнинг яратилишига сабаб бўлди. Бу талқинлар инсон руҳиятининг ички сезимларини, онг остидаги кечинмаларини, ўй-хаёллари, шаффоф руҳий ҳолатини теран ҳамда шафқатсиз реализм воситасида акс эттириши билан ажралиб туради. Шу маънода, адабий асарда ифода ва тасвир этилган инсон руҳий ҳолатининг бадиий асардаги талқинини тадқиқ этиш илмий зарурат саналади.

Ўзбек адабиётшунослигида бадиий психологизм масаласини илмий-назарий, фалсафий-эстетик тадқиқ этиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, шу кунгача давом этмоқда. Янги давр ўзбек адабиётида яратилган реалистик романларда объект ва субъектнинг руҳий характерда уйғунлашган ҳолда келиши, руҳият тасвирининг турли кўринишларда намоён бўлиши бадииятда кичик деталларгача эътибор берилишига сабаб бўлади. Бу каби характерлар руҳий ҳолатнинг ижтимоий ҳодисалар билан шартланганлигини кузатиш шу давр ўзбек романчилиги учун янги поғонага кўтарилганининг исботидир. Шу боисдан айтиш мумкинки, бадиий адабиётнинг ижтимоий функцияси бекиёс. “Бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон “Адабиёт яшаса, миллат яшар!” деган оташин даъват билан майдонга чиққан эди. Ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди”¹. Шу жиҳатдан XXI аср ўзбек романнависларининг ижодини психологик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, уларда ёритилган ижтимоий-психологик муаммоларни, қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ҳамда ижтимоий-фалсафий дунёқарашига назарий баҳо бериш заруратини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ- 4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. www.xabar.uz. 07.08.2018.

4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. XX-XXI аср ўзбек адабиётшунослигида ўз ва ўзга халқлар маданиятини ўрганиш борасида адабиёт назарияси ҳамда қиёсий адабиётшунослик фанлари алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбек олимларидан И.Султон, М.Қўшжонов, Ҳ.Ёқубов, А.Алимухаммедов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, Ҳ.Умуров, Н.Худойбергандов, Н.Шодиев, И.Ғафуров, М.Абдурахмонова, И.Ҳаққулов, Д.Қурононов, Т.Жўраев, М.Қўчқорова, М.Пирназарова, М.Бобохонов ва бошқа олимлар ўзларининг илмий-тадқиқотларида ижодкор психологияси, ижод жараёнининг табиати, хусусиятлари, наср ва назмда психологик тасвир усули каби масалалар билан жиддий шуғулландилар.

Шунингдек, адабиётда бадиий психологизм, қаҳрамонлар руҳияти муаммосига оид Европа², рус³ ҳамда ўзбек⁴ олимлари томонидан бир қанча

² Фрейд З. Остроумие и его отношение к бессознательному / “Я” и “Оно”. – Тбилиси: Мерани, 1991; Юнг К.Г. Структура психики и процесс индивидуализации. – М.: Наука, 1996; Уэллек Р. и Уоррен О. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978; Лукич Д. Теория романа. – Варшава, 1963.

³ Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Сов. писатель, 1963; Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. Изд. 2-е. – Л.: Худ. лит., 1976; Компанеев В.В. Художественный психологизм в советской литературе (1920-е годы) – Л.: Наука, 1980; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Наука, 1970; Страхов И.В. Психологический анализ в литературном творчестве: пособ. для студ. / В 5 ч. / – Саратов: Изд. Саратовского университета, 1973. Ч. 1; Бочаров С.Г. Л.Н.Толстой и новое понимание человека / Литература и новый человек. – М., 1963; Иезуитов А.Н. Проблемы психологизма в эстетике литературы / Проблемы психологизма в советской литературе. – Л., 1970; Гинзбург Л.Я. О литературном герое. – Л.: Сов. писатель, 1979; Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды. 2-х томах. – М.: Педагогика, 1980; Выготский Л.С. Психология искусства. 3-е изд. – М.: Искусство, 1986; Грифцов Б.А. Психология писателя. – М.: Худ. лит., 1988; Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М.: Просвещение, 1988; Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Наука, 1979; Виноградов В.В. Поэтика русской литературы. – М.: Наука, 1976; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977; Ковалев А.Г. Психология литературного творчества. – Л.: ЛГУ, 1960.

⁴ Шермухаммедов П. Рухий дунё кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971; Қўшжонов М. Адабиёт ва замон. – Т.: Фан, 1980; Қўшжонов М. Янги замон – янги қаҳрамон. – Т.: Фан, 1982; Карим Б. Рухият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006; Шодиев Н. Рухият рассоми. – Т.: Фан, 1977; Умуров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Т.: Фан, 1983; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва рухият манзаралари. –

илмий ишлар⁵ олиб борилган, диссертациялар⁶ ҳимоя қилинган, мақолалар⁷ ёзилган. Бироқ замонавий ўзбек адабиётшунослигида бадиий психологизмнинг ўрганилиш даражаси, психологик образ ва руҳий конфликт, руҳий ҳолатнинг замон ва макондаги диалектик муносабати, ёзувчининг психологик услуби ва маҳорати назарий жиҳатдан таҳлил қилинмаган. XXI асда яратилган ўзбек романлари мисолидаги тадқиқот мумкин қадар ушбу илмий бўшлиқни тўлдириш учун қилинган ҳаракатлардан бири ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, тадқиқот учун танланган бадиий асарлар назарий ва аналитик, қиёсий таҳлил нуқтаи назардан ўзбек адабиётшунослигида махсус ўрганилган эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Қиёсий таҳлил методологияси” ҳамда “Жаҳон адабиётида адабий тур, жанрлар тараққиёти ва услуб ранг-баранглиги” мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XXI ас ўзбек романларида инсон руҳияти талқинининг моҳияти, бадиий психологизмнинг намоён бўлиш принциплари, ёзувчиларнинг адабий анъанага ижодий ёндашуви восита ва усуллари тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XXI ас романларига хос етакчи белгиларни аниқлаш, қаҳрамонлар руҳияти ва ички дунёсини очиб беришда муҳим восита ҳисобланган психологизмнинг шакллари, усул ва йўсинларини очиб бериш;

Т.: Мухаррир, 2011; шу муаллиф. “Ўтмишдан эртақлар” тадқиқи. – Т.: Янги аср авлоди, 2016; шу муаллиф. Абдулла Қаҳҳор Истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида. – Т.: Академнашр, 2018 ва б.

⁵ Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б. 408; Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари / Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Фан, 1991. – Б. 299-382; Норматов У. Насримиз тамойиллари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978; Ўша муаллиф. Умидбахш тамойиллар. – Т.: Маънавият, 2000; Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001; Назаров Б. Бу сеҳрли дунё. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980; Каримов Н. Ойбек. – Т.: Ёш гвардия, 1985; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Т.: Фан, 1992; Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Т.: Чўлпон, 2002 ва б.

⁶ Алимухаммедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1947; Абдурахмонова М. Абдулла Қодирийнинг психологик тасвир маҳорати. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1977; Қурононов Д. Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз” романида характерлар психологизми. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1992; Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1994; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2008; Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси. Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 2012; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2012; Тўлибоев Х. Ҳозирги ўзбек романчилигида бадиий услуб ва жанрий композицион яхлитлик синтези. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 2018; Кўчимов У. Фантастик асарларда бадиий психологизм концепцияси (Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ижоди мисолида). Филол. фан. фал. д-ри ... дисс. – Т., 2021 ва б.

⁷ Шодиев Н. Психологик таҳлил принциплари, форма ва воситалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. – № 2. – Б. 3-6; Абдурахмонова М. Характер психологизми, муҳит ва типик шароит // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. – № 2. – Б. 29-35; Абдурахмонова М. Рус адабиёти ва ўзбек прозасида психологик таҳлил // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. – № 2. – Б. 40-44; Жовлиев Б. Руҳиятдаги эврилишлар мифологик талқини // Тил ва адабиёт таълими, 2016. – № 10. – Б. 39-42; Жўраев Й. Насрий асарларнинг психологик таҳлили // Тил ва адабиёт таълими, 2012. – № 6. – Б. 31-33; Йўлдошев Қ. Романда шахс тасвири // Шарқ юлдузи, 2016. – № 11. – Б. 119-122; Назаров Д. Руҳиятнинг бетакрор тасвири // Тил ва адабиёт таълими, 2017. – № 8. – Б. 34-36; Парандовский Ян. Сўз кимёси // Жаҳон адабиёти, 2017. – № 7. – Б. 153-160; Фром Эрих. Инсон қалби // Шарқ юлдузи, 2015. – № 4. – Б. 172-175; Носирова З. Руҳият тасвирида бадиий психологизмнинг аналитик принципи // Илм сарчашмалари, 2017. – № 4. – Б. 44-47.

портрет, пейзаж, диалог, ички монолог, туш, бадий шартлилик каби адабий унсурлар таҳлили орқали асарда тасвирланган инсон руҳиятининг мураккаблигини кўрсатиш;

янги аср ўзбек романларининг рамзий метафорик табиатини дунё романчилиги контекстида аниқлаш;

қаҳрамон руҳиятидаги изтироб, руҳий босим остида яшаш ва психологик зўриқиш, психологик ҳужум каби адабий-услубий тушунчаларни илмий-назарий аспектда далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Гулистонга сафар”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” ва Назар Эшонқулнинг “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети ХХІ аср ўзбек романчилигида инсон руҳиятининг тасвири, психологик образ ва руҳий конфликт, руҳий ҳолатнинг замон ва макондаги уйғунлиги, ёзувчи услуби ва маҳорати ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда психологик, психоаналитик, психодинамик, синкретик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида инсон руҳиятининг тасвири, ижодкорнинг психологик таҳлил ва тасвир маҳорати аниқланиб, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад ва Назар Эшонқул романларидаги бадий психологизмни юзага чиқарувчи психологик тасвир воситалари, поэтик ва психологик усуллар, рамз ва метафора, ижодий индивидуаллик, бадий шакл ва услубнинг ўзига хослиги далилланган;

янги аср ўзбек романчилигидаги ноанъанавий ўхшатиш (ички ва ташқи), белги, шакл, истиора (ёпик, очик) каби бадий усулларнинг метафорик табиати, рамзийлик ва бадий шартлилик билан уйғунликда қаҳрамон характерининг миллийлик ҳамда умуминсонийлик қирралари очиб берилган;

замонавий ўзбек романларида инсоннинг маънавий-психологик ҳаётини тасвирлашдаги образ, характер, портрет, табиат тасвири, руҳий конфликт ва коллизиянинг синтезлашган усуллари, қаҳрамонлар руҳиятидаги ички динамика ва психологик зўриқиш каби адабий тушунчалар илмий-назарий жиҳатдан аниқланган;

совет даври мафкурасининг инсон руҳиятига тазйиқи, маънавий изтироблар натижасида қаҳрамон руҳиятида содир бўлган зиддиятлар, адабий қаҳрамон руҳияти муаммоси, инсон психологиясининг турли-туман эврилишлари, жамият ва инсон ўртасидаги конфликтли муносабатларнинг замон ҳамда макондаги синкретик ҳолати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янги аср ўзбек романларига доир илмий-назарий мулоҳазалар замонавий адабий жараён такомиллига хизмат қилиши кўрсатилган;

бадий адабиётда психологизм ва психологик таҳлил тушунчалари, шунингдек, қаҳрамоннинг роман жанри тўқимасида инъикос этган психологик портрети масаласи ёритилган;

романлардаги образлар табиатига хос психодинамика маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида очиб берилган;

ташқи портрет, диалогик ва монологик нутқ қаҳрамон руҳиятини очиб берувчи муҳим воситалардан бири эканлиги таъкидланган;

адабий генезис нуқтаи назаридан ёзувчи биографиясининг бадий асарда инъикос акс этиши таҳлиллар асосида далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асослангани, танлаб олинган романларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг психологик, психоаналитик, психодинамик, синкретик ва қиёсий таҳлил усуллари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ҳамда хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилгани, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадий асарни қиёсий-типологик текшириш ва руҳий таҳлилни амалга ошириш соҳасидаги илмий ишлар ҳамда тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш, диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар, бадий таҳлил ва хулосалар қаҳрамон руҳиятини, шунингдек, насрий асарларни психологик нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ этиш борасидаги илмий ишларга манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамиз олий ўқув юртларининг филология факультетларида “Адабиёт назарияси”, “Адабиётшунослик методологияси”, “Бадий таҳлил”, “Адабий алоқалар”, “Маданиятлараро мулоқот”, “Жаҳон адабиёти” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, махсус курс маъруза ва семинар машғулотларини олиб бориш ҳамда умумтаълим мактаблари, лицейларнинг адабиёт ўқитувчиларига методик қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XXI аср ўзбек романларида инсон руҳияти талқини тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Назар Эшонқулнинг “Тўр ўғли ёхуд хаёт суви”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” сингари романларини психологик, неомифологик, биографик ёндашув ва қиёсий-типологик метод асосида текшириш натижасида ушбу ижодкорларнинг биографик метод асосида образлар психологиясини ёритиш, инсон характеридаги миллийлик ва умуминсонийлик қирраларини очиш ҳамда руҳият манзараларини мифологик мотив асосида акс эттириш маҳоратига доир

илмий хулосалардан ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 12 ноябрдаги 344/1-сон маълумотномаси). Натижада адабиёт назарияси ва адабиётшунослик фанлари кесимида психологизм, руҳий конфликт ва неомифологик қарашларни илмий-назарий асослашга хизмат қилган;

жаҳон ва ўзбек адабиётшунослиги контекстида психологизм, психологик таҳлил, психологик тасвир маҳорати масаласини ўрганиш; собиқ совет тузумида давр мафқураси тазйиқининг инсон руҳиятига таъсири, маънавий изтироблар ҳолатида қаҳрамон руҳиятида юзага келган зиддиятлар таҳлилига оид илмий-назарий хулосалардан “Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштириш”га доир маданий- маърифий тадбирлар дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 01-12-14-3754-сон маълумотномаси). Натижада жамиятда китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурининг такомилли бўйича тавсифий маълумотлар кенгайтирилган;

ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг муҳим хусусиятлари – адабий алоқаларнинг таъсир ва акстаъсир, маданиятлараро тўқнашув, биографик метод тамойиллари, замон ва маконда қаҳрамоннинг ботиний ҳамда зоҳирий мутаносиблигини бадиий-концептуал яхлитликда илмий-назарий жиҳатдан асослашга доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг жаҳон адабиёти дурдона асарларининг илмий тадқиқи билан боғлиқ муаммоларига оид маълумотларни бойитишда фойдаланилган (Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 18 февралдаги 01-03-/242-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдона асарларининг илмий-назарий таҳлили ҳамда тадқиқи билан боғлиқ масалаларнинг ечим доираси кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект, предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инсон руҳиятининг илмий-назарий талқини”** деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат бўлиб, *“Жаҳон адабиётшунослигида қаҳрамон руҳиятига доир қарашлар”* деб номланган биринчи фаслда бадиий психологизм тушунчаси ҳамда психологик таҳлил муаммоси дунё адабиётшунослик илмида қай даражада тадқиқ этилганлигига қаратилган. Инсон руҳияти ҳақида кенг кўламли илмий-тадқиқот олиб борган рус психологи ва файласуф олимларидан бири С.Л.Рубинштейндир. У бадиий асарда инсон руҳияти тасвири ҳақида ўзининг қуйидаги фикрларини илгари суради: “Сўз санъаткорлари қаҳрамон психологиясини тасвирлар экан, айнан унинг (қаҳрамон) кечинмалари – камолотга эришишдаги индивидуал йўлини ҳаётининг бурилиш паллалари сифатида ёритишга интилишлари бежиз эмас. Иттифоқо, инсон кечинмалари – унинг реал ҳаётининг субъектив томони, шахс умр йўлининг субъектив аспектидир”⁸.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, бадиий асарда тасвирланган инсоннинг руҳий олами ўша қаҳрамонга хос бўлган бетакрор характер-хусусиятлари, кечинмалари, истеъдоди, маънавияти сингари жиҳатларда гавдаланади. Демак, инсоннинг ички дунёси ва руҳий ҳолатининг чуқур ҳамда изчил тарзда олиб борилган бадиий тадқиқи адабиётшунослик илмида “бадиий психологизм” деб аталади. Бадиий психологизм масаласини Қадимги давр адабиётидан бошлаб ўрганар эканмиз, деярли барча қадим антик ва рим адабиёти адиблари ижодида бир хилликни кўриш мумкин, инсон қисмати ва ҳаёти илоҳий куч ҳамда уни бошқарувчи худолар билан боғлиқ равишда англашилган, аниқроғи, шундай тасвирланган. Бундай қарашлар антик давр адабиёти муаллифларига хос умумий муштарақликдир. Дунёни англашда инсоннинг фожиавий руҳий ҳолати, даҳшатли қисмати жуда юқори трагик пафос билан қуйланган.

Таъкидлаш жоизки, антик маданиятда руҳий ҳолат, яъни инсон ички кечинмаларининг илк намуналари адибнинг вазият ва шароит тақозоси билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Демак, адиблар қаҳрамонларини қандай ҳолда таъриф ва тавсиф этган бўлса, ўшандай қабул қилиниши керак, бундан бошқа чораси ҳам йўқ. Шу боисдан қадимги давр бадиий адабиётида психологизм жараёни айнан шу тарзда амалга ошди. Эрамизнинг V-VI асрларига келиб руҳий ҳолат тасвири тараққий этиш ўрнига инқирозга юз тута бошлади. Бунинг сабабларидан бири даврнинг талабларида ҳам силжиш рўй бериб яшаш тарзининг ҳам ўзгариши бўлса, яна бири эса диннинг ҳукмрон мавқега чиқиши,

⁸ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2000. – С. 13.

устуворлиги ва ҳалқ оғзаки ижоди билан бир қаторда антик дунё маданияти вужудга келтирган ижтимоий тузумнинг инқирозга юз тутиши эди. Албатта, биз бу билан ўрта асрлар даврида руҳият талқини мутлақо йўқ бўлди, дейишдан йироқмиз.

Ўрта асрлар адабиётида инсоннинг қаҳрамонликлари, саргузаштлари марказий планда акс эттирилиб, антик даврга нисбатан инсоннинг қисмати ва ҳаёти илоҳлар чизигидан бир мунча баландга кўтарилиб, адабий қаҳрамонлар муайян индивидуал қиёфа кашф эта бошлади.

Психологик таҳлил усулларида яна бири теологик усулдир. Бу усул, асосан, Аллоҳ томонидан ваҳий қилинган Муқаддас китоблар ва илоҳий манбага оид бўлган диний руҳдаги барча китобларда акс этган руҳият тасвирига тааллуқлидир. Христиан динининг Муқаддас китоби Библияда Қодир Тангрига, унинг мавжудлигига миннатдорлик ҳисси, қувончу севгиси ва ўзига хослиги учун қилган илтижолари орқали инсоннинг ички олами, унинг психологияси теологик принцип асосида очиб берилган. Бу ерда инсон психологияси ниҳоятда мураккаб очиб берилганки, у ҳаётни тўғридан-тўғри идрок этишдан келиб чиқади ва ҳамма нарса илоҳиётни акс эттириш билан чегараланган. Бу ўрта асрлар даврида психологик тасвирнинг теологик усулининг пайдо бўлишига замин яратди.

Ўрта асрлар даврида қисман инқирозга учраган бадий адабиётдаги психологизм уйғониш даврига келиб, янгича тасвир усуллари орқали бадий адабиётда ўз мавқеини тиклай бошлади. Бу даврда Уйғониш даврининг биринчи шоирларидан Д.Алигъерининг севгилиси Беатричега бағишланган “Янги ҳаёт” шеърӣ тўплами ўз даврининг автобиографик ва илк психологик асарларидан бири бўлиб танилди. Уйғониш даврида ўзига хос тарзда шаклланган психологизм XVIII-XIX асрларга келиб, кенг миқёсда бадий адабиётни ҳам қамраб ола бошлади. Бу даврга келиб психологизм эстетик жиҳатдан мазмун ва моҳият борасида ҳам ўзига хослик касб этди ҳамда қаҳрамоннинг сентиментал ҳолатидан тортиб, то романтик ҳолатигача бўлган даврни қамраб ола бошлади. Уйғониш даври адабиёти ижодкорлари асарларида (Данте, Петрарка, Бакаччо, Сервантес, Рабле, Шекспир) қаҳрамоннинг шахсий ҳис-туйғулари масаласини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётшунос олимларнинг тадқиқот ишларини ўрганиш натижасида психологизм бадий адабиётнинг муайян юқини кўтаради, деган хулосага келишимизга асос бўлади. Бундай психологик юк ўқувчига аниқ таъсир кўрсатадиган маҳсул эстетик завқни ҳосил қилади. Бадий адабиётда қаҳрамон психологизмининг турли восита ва усуллардан фойдаланиб ёритиш ёзувчининг ўзига хос ижодий услубини ўрганишни тақозо этади. Масалан, Франциядаги аналитик, Россиядаги ахлоқий ва фалсафий, Англиядаги психологик ва шахсий, Германиядаги интеллектуал-мафкуравий оқимлар бунга мисол бўла олади.

Мазкур бобнинг “*Ўзбек адабиётшунослигида қаҳрамон руҳиятининг ўрганилиши даражаси*” деб номланган иккинчи фасли бадий адабиётнинг асосий объекти инсон ва у яшаган муҳит ҳамда унинг инсон руҳиятига таъсири ва ўзбек адабиётшунослигида бадий психологизмнинг тадрижий тараққиёти каби масалаларига қаратилган. Ўзбек адабиётида бадий психологизм, руҳият

талқини муаммоси XX аср бошларидан буён адабиётшунослар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Таниқли адабиётшунослар М.Қўшжонов, С.Мамажонов, У.Норматов, П.Шермухамедовнинг илмий мақолалари, шунингдек, психологизм бўйича изланиш олиб борган тадқиқотчиларнинг ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин⁹. А. Алимухаммедов томонидан илк бор тақдим этилган А.Қаҳҳор ҳикояларида психологизм мавзусидаги диссертацияси ўзбек адабиётшунослигидаги биринчи психологик таҳлил ҳақидаги илк тадқиқотдир¹⁰.

XX асрнинг 70-йилларига келиб Н.Шодиевнинг Абдулла Қаҳҳор, М.Абдурахмонованинг Абдулла Қодирий асарларида руҳият талқини масаласига бағишланган тадқиқотларида психологизм муаммоларининг айрим томонлари ёритилди¹¹. Юқорида келтирилган психологизмнинг унсурлари билан баравар психологизмни ёндош муаммолар доирасида ўрганишга бағишланган ишлар ҳам олиб борилди.

Адабиёт ва психология фани инсоннинг ички ҳамда ташқи оламини ўрганадиган илм соҳаларидир. Шу аснода психология фани одамларнинг хулқ-атворини ва унинг келиб чиқиш сабабларини текширади, адабиёт эса инсоний хатти-ҳаракатларни реал ҳаётини воқеликка боғлиқ ҳолда тасвирлашдан иборат. Шахснинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини ўрганадиган ижтимоий соҳанинг бу икки тури бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Бинобарин, ҳар бир ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлган муайян омиллар мавжуд. Шунга кўра, бадий психологизмнинг юзага келиши ва унинг тадрижий ривожланиши ҳамда такомилда психологик методнинг аҳамияти беқиёс. Жаҳон адабиётшунослигида бадий ижод жараёнини ўрганувчи кўплаб методлар ва мактаблар мавжуд бўлиб, улар адабиётшуносликнинг у ёки бу томонини камраб олади. Проф. Б.Каримов таъкидича: “Адабиётшуносликдаги психологик метод (психогенетик мактаб) XIX аср 70-80-йилларида Фарбий Европа ва Россия илмий муҳитида юзага келди.

XIX аср охири – XX аср бошларида бу йўналишнинг Фарбий Европада Э.Эннекен, В.Вунд, И.Фолькельт каби намояндалари фаолият кўрсатди. Психологик методнинг энг ёрқин намояндаларидан бири француз олими Эмиль Эннекен (1858-1888) психологик таҳлилда муаллиф шахсиятини айнан бадий асарнинг ўзидан излаш лозимлигига, бадий асарнинг барча қирраларини, эстетик ўзига хосликларини аниқлаш, билиш ва тушуниш ижодкорнинг қалбини англашга олиб келишига алоҳида урғу беради (“История русского литературоведения”. – М.: Высшая школа, 1980)¹².

Психологик метод тараққий топишида рус олими Д.Н. Овсяннико-Куликовскийнинг (1853-1920) хизмати катта бўлган. “Олим ўзининг “Тушуниш

⁹ Қўшжонов М. Ўзига хос ижод йўли. – Т.: Ёш гвардия, 1982; Норматов У. Ақл ва қалб чироғи. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983; Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007; Жумабоев М. XX аср ўзбек шеърларида психологик тасвир маҳорати. Филол.фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 2000.

¹⁰ Алимухаммедов А. А. Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир // Шарқ юлдузи, 1947. – № 2-3.

¹¹ Шодиев Н. А.Қаҳҳорнинг психологик таҳлил маҳорати. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1973; Абдурахмонова М. А.Қодирийнинг психологик тасвир маҳорати. Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 1977.

¹² Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т., Ф.Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – Б. 178.

психологиясига доир” асарида англашга оид муҳим қарашларни илгари суради”¹³.

Адиблар асарларида эслаш, туш кўриш, англаш, ҳис қилиш каби усулларни фақат сюжет воқеалари ривожини, динамикасини таъминлаш каби соф эстетик вазифани бажариш мақсадида ишлатилмай, балки қаҳрамонларнинг маънавий-ахлоқий дунёсини янада кенгроқ ва чуқурроқ ёритиш учун ҳам қўлланган. Бадиий асарларнинг эстетик таъсирчанлиги унинг воқеликни худди ҳаётда бўлганидек акс эттиришда эмас, балки уларнинг муайян руҳий вазиятлардаги руҳий ҳолатларини моҳирона тасвирлаш билан белгиланади. Инсон руҳияти унинг жисмоний ҳолатига доимий таъсир этибгина қолмай, онг ости оқимида сақланиб қолади ва уни доимо таъқиб остига олиши назарда тутилади. Туш кўриш эса инсон руҳияти ва ҳис-туйғуларининг нозиклиги ҳар қандай инсоннинг эмоционал ҳолатидан келиб чиқиб, ақлий бошқарувдан четга чиқариб юборишини назарда тутди. Демак, инсон интеллекти ҳаракатининг мутлақ давомийлигини англаши мумкин эмас. Агар ҳар қандай ҳаракатларнинг қонунлари инсоннинг ўзбошимчалик билан танланган бирлашмаларини текшириши мумкин бўлганида, унда инсон учун ҳаммаси тушунарли бўларди. Шу билан бирга, доимий узилишнинг ўзбошимчалик билан бўлиниши узлуксиз бўлинмаларга айланади, бу эса инсон руҳий ҳолати ва хатосининг катта қисмини ташкил қилади. Инсон ва ижтимоий фанлар ҳақидаги бундай қоидаларга қатъий риоя қилиш психология ҳамда адабиёт соҳалари ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтириш учун янги-янги имкониятлар яратади.

Тадқиқотнинг **“Янги давр ўзбек романларининг метафорик табиати”** деб номланган иккинчи боби икки фаслдан иборат бўлиб, мазкур бобнинг *“Психологик образнинг метафорик хусусияти”* деб номланган биринчи фаслида ёзувчиларнинг психологик образ яратишда рамзлар, тимсолли ишоралар ва метафоралардан қай даражада фойдалангани хусусида фикр юритилган. Ижодкор қайси йўналиш ёки қайси жанрда ижод қилмасин, у ўзи яшаётган давр, муҳит, ижтимоий тузумнинг таъсирини ўз асарларида акс эттирмаслигининг ҳеч иложи йўқ. Чунки ижодкорнинг онг остида чўкиб ётган воқеликларнинг ҳаракатга келиши учун туртки берувчи, илҳомлантирувчи, инкор ва тасдиқ воқелик устидан қарор қабул қилиш учун мотивация вазифасини бажарувчидир. Демак, XIX-XX асрларда яратилган образларда умумийлик ҳамда маълум маънода ўзига хослик мавжуд. Адабий тур ва жанрларнинг эпик ҳамда драматик турларида ижобий, салбий, мураккаб, эпизодик, рамзий, мажозий, аллегорик образлар етакчилик қилган бўлса, XX асрнинг охирларига келиб, аниқроғи, XXI асрнинг бошларидан образ яратишнинг ўзгача турлари, янги усуллари пайдо бўла бошлади. Турлари дейилганда, ижодий оқимлар ва адабий йўналишларга хос бўлган модернизм, сентиментализм, экспрессионизм, экзистенциализм, абстракционизм, абсурдизм, постмодернизм каби йўналишдаги янги тасвир объектидаги образлар тизими адабий жараёнга кириб кела бошлаганлигини тушуниш мумкин. Бу ижодкорларнинг инсонни қайта

¹³ Ушбу манба. – Б. 178; яна қаранг: Эннекен Э. История русского литературоведения. – М.: Высшая школа, 1980.

кашф қила бошлаганидан далолат беради. Ушбу ҳаракат ўз-ўзидан адабиётда руҳият илмининг бадиият илми билан боғлиқлигини кўрсатади. Аслида ҳам шундай. Шубҳасиз, бу ижодий ва ижобий жараён адабиётшуносликда психологик ёзувчи, психологик роман, психологик драма каби терминларнинг кенг кўламда ишлатилишига ва *психологик образ* атамасининг юзага келишига асос вазифасини ўтайди. Ҳаёт борки, инсон бор ёки аксинча. Бу икки тушунчани адабиётшунослик назариясидаги шакл ва мазмун бирлиги каби тушунмоқ керак. Аниқроғи, инсоннинг жамиятга таъсири ва аксинча, жамиятнинг инсонга таъсири натижасида ҳосил бўладиган ҳолатлар, энг аввало, инсон руҳиятида кечади. Чунки инсоннинг ҳайрати ва нафрати дастлаб унинг ботинида рўй бериб, сўнгра зоҳирга кўчади. Шубҳасиз, ҳеч бир таъсир ботинсиз зоҳирга кўчмайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг руҳий олами унинг руҳий ҳолатини ифодалайди. Мана шу ифода жараёни *психологик образ* тушунчасини келтириб чиқаради.

Адибларнинг психологик образ яратишда метафоралардан фойдаланиши ташқи портретнинг берилиши, ўхшатиш, қиёслаш, таққослаш, пейзаж орқали кенг очилса, ички туйғулар табиат тасвири билан уйғунлашади. Масалан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” асарида тоғ чўққиси, қора булутлар, ғор, денгиз, тош, Назар Эшонкулнинг “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романида поёнсиз кенг дала, ариқ ва чархпалак, сассиқ хид, махлуқ ўқириги, қотиллик саҳнаси, хивчин билан муолажа ўтказиш, Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” асарида олмазор, боғ, қушлар ҳақидаги илмий ва назарий қарашлар, асфальт ва бошқалар.

Ижодкор образ яратишда ижтимоий шароит ва давр талабини асосий даражага кўтарса, яратган образининг умрибоқийлигини таъминлайди. Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Тузум ва мафкура алмашиши натижасида у ёки бу қаҳрамоннинг умри узайиши ёки аксинча йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бунга сабаб ёзувчининг ижтимоий тузум ва давр талабинигина қондирган бўлса, ўша давр учунгина у яратган образ муҳим бўлади. Умуминсоний қадриятлар нима ўзи? У бугунги кун учун қай даражада керак? Буни Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” асарида кўришимиз мумкин. Масалан: Ғулийлар мамлакатада занжир тақмаган одам мамлакат фуқаросига айланмайди. Занжир улар учун энг олий мартаба, улуғлик белгиси, занжирсиз одам ёт ёки ўзга қавм вакили, ёйинки улар ҳаёти учун бегона киши сифатида қабул қилинади. Бу билан адиб нима демоқчи? Биринчидан, ҳар қандай одам ўз юртида ўз ўрни, муайян мавқега эга бўлиши керак, мана шу эгалик учун курашганлар собиқ совет даврида 1937 йили қатағон қилинди. Роман айни ўтиш даврида ёзилганлиги учун ҳам икки тузумни қиёсий тасвир этиш орқали ўз ҳаётига ва атроф-муҳитига бўлган қарашларини айнан қиёслаш орқали ифода этганлиги билан ҳам ажралиб туради. Иккинчидан, Собиқ совет даврида коммунистик партияга аъзо бўлиш мартаба ҳисобланар, яъни ким партия аъзоси бўлса, ўша даврнинг энг нуфузли шахсига айланар эди. Адиб асаридаги ҳар бир кичик деталь ёки воқеа орқали ўтмиш ва бугунни қиёсий жиҳатдан моҳирона таққослашга эришади. Ушбу жараёнда занжир тақишга тайёр эмас ёки ҳали нолайиқ деб топилган қизнинг ота-онасининг руҳий ҳолатини бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Улар учун

бу барчанинг олдида битмас-туганмас ҳақорат сифатида қабул қилинади. Асарда ота-оналар ўз фарзандларини занжир тақишга бир қанча муддат тайёрлашади.

Ҳар қандай образнинг ўзига хослиги ва индивидуаллигини таъминловчи омил қўшимча тарзда унинг типиклигини яратар экан, демак, типиклик ўз ўрнида образнинг ҳаётийлигини таъминлайди.

Иккинчи бобнинг *“Рухий конфликт – сюжет асоси сифатида”* деб номланган иккинчи фасли тадқиқот учун танланган асарларда тасвирланган руҳий конфликтнинг бадиий асар сюжетида асос вазифасини ўташи масаласига қаратилган. Ҳар бир ёзувчи ўз жамиятининг тараққиёти ва халқ турмуш тарзи учун муҳим аҳамиятга ҳамда қийматга эга бўлган зиддиятлар тасвирига алоҳида эътибор қаратади. Демак, бадиий асар воқелигининг ранг-баранглигини, эмоционал таъсирини кучайтирувчи, асар қаҳрамонларининг характерини бир-биридан ажратувчи, образнинг индивидуаллигини таъминловчи сюжет асоси – руҳий конфликтдир.

Конфликт бадиий адабиётнинг барча тур ва жанрларида мавжуд. Масалан, лирик асарларда конфликт кўзга яққол кўринмаса-да, уни сезиш, ҳис қилиш мумкин. Биз муайян шеърни ўқиш жарёнида шоирнинг ҳис-туйғулари туғёнига дуч келамиз, драматик асарларда муаллиф нутқи бўлмаганлиги туфайли характерлараро конфликт диалоглар орқали берилади, монолог орқали берилган қаҳрамон руҳий ҳолатини коллизия деб юритамиз. Эпик асарларда конфликтнинг барча турларини қоришиқ ҳолда учратиш мумкин. Лекин унда қайсидир турнинг устунлиги сезилиб туради. Масалан, Назар Эшонкулнинг *“Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви”* романида характерлараро конфликт етакчилик қилса, Аҳмад Аъзамнинг *“Рўё ёхуд Ғулистонга сафар”* асарида эса, асосан, коллизия, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг *“Донишманд Сизиф”* романида эса конфликт ва коллизия аралаш тарзда келса-да, коллизиянинг устуворлиги сезилиб туради. Шу сабабли конфликтни ички, яъни руҳий ҳолат таъсирисиз, коллизияни конфликтнинг таъсирисиз тасаввур этиш қийин. Иккаласи бир-бирини тўлдириб, сюжетни ҳаракатлантириб туради.

Рухий конфликт деганда нимани тушунамиз? Конфликтнинг бошқа турларидан нимаси билан ажралиб туради? Унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Рухий конфликт деганда биз инсоннинг фақат бадиий асар воқелиги билан чекланмаган ҳолда реал ҳаёт жараёнида бўлиб ўтган, бўлаётган ёки бўлиши кутилаётган воқеликни, воқеликка бевосита ва билвосита айнан шу инсоннинг алоқаси тўғридан-тўғри борлигини, шу инсон орқали бошқа бир инсоннинг азият чекишига сабаб бўлиши натижасида инсон ўзини тўла айбдор сезиб, ўз-ўзини тафтиш, яъни аналитик таҳлил қилиши натижасида пайдо бўлган руҳий изтиробга тушишини, руҳий конфликтнинг ўзга хослигини, шунингдек, хатосини тўғрилашга ҳам маънавий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан кучи етмаган пайтидаги қалб туғёнини англаймиз. Масаланинг энг мураккаб томони шундаки, фақат бу ҳолатни ўзи бошидан кечиргандагина у айбдорлигини ҳис қилади. Биров билан сирлаша олмайди. Чунки бунга ғурур, шароит тақозоси йўл қўймаслиги мумкин. Демак, бу барча инсоний фазилатларга эга бўлган, лекин билиб-билмай қилинган хато эвазига бошқа бир пок инсоннинг азият чекишида ўзини айбдор деб билиши натижасида пайдо бўладиган инсоний афсус-

надоматлардир. Рухий конфликт кўп ҳолларда салбий натижалар оқибатида пайдо бўладиган вазият ва ҳолат ҳисобланади. Ҳар қандай ҳаракат ва тараққиётнинг асосини зиддият ташкил этади. Буюк немис файласуфи Гегель “зиддият ҳар қандай ҳаракат ва ҳаётийликнинг ўзагидир”¹⁴, деган эдики, бу айтиш ҳақиқатдир.

Бизнингча, Сизиф (“Донишманд Сизиф” асари) ва Н. образи (“Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романидаги бош қаҳрамон) характерларидаги ўзарлик, касдма-касдига ўзининг ҳақлигини исботлашга уриниш роман муаллифларининг ҳаётий идеалига мос келган. Ижтимоий конфликт сиёсий тизимларнинг умумий хусусияти бўлиб, у муқаррардир. Шунинг учун у хоҳ бадий асарда, хоҳ ижтимоий ҳаётда бўлмасин, инсон турмуш тарзининг табиий бўлаги сифатида қаралиши керак.

Конфликтларни фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, конфликт мутлақо ёмон нарса эмас, яна шуни ҳам айтиш мумкинки, курашнинг қайси тури бўлишидан қатъи назар, инсон, албатта, ғолиблик сари интилади, бу эса ўз-ўзидан зиддиятларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам конфликт инсониятга баҳо берувчи омил вазифасини ҳам ўтайди.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“XXI аср романида хронотоп ва услубий индивидуаллик”** деб номланган. Ушбу бобнинг *“Қаҳрамон руҳияти талқинининг макон ва замонда акс этиши”* деб номланган дастлабки фаслида замон ва маконнинг санъат асаридаги тасвири (яъни акс этиши) уларнинг бирлиги, ўзаро алоқадорлиги ва инсон руҳиятига таъсири ҳақида фикр юритилади. Айтиш керакки, замон ва маконни ўрганиш икки йўналишда амалга оширилади. Бир томондан, ушбу тоифаларга оид фалсафий тушунчалар асосида уларнинг хусусиятлари, маъноси ва функциялари очиқ берилади. Бошқа томондан эса замон ва макон муаммоси аниқ ёзувчиларнинг асарларини таҳлил қилиш асосида ўрганилади (масалан, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Аҳмад Аъзам асарларида ва бошқалар).

Бадий асарда макон масаласи қаҳрамонлар жойлашган ва тасвирланган воқеалар ривожланиб борадиган адабий майдондир. У икки даражани ўз ичига олади: юқори ва қуйи. Юқори – бу ёзувчи томонидан тасвирланган ҳаракат (мамлакат, уй, хона, тоғ, саҳро ва бошқалар). Қуйи даражада эса дунё тасвири билан боғлиқ ҳолда атрофдаги воқеликнинг одатий объектларини қайта кўриб чиқиш. Бунда макон рамзий, тасвир-белгилар орқали амалга оширилади. Биринчи даража (юқори) бадий маконнинг объектив томони, иккинчиси (қуйи) эса субъектив томони билан боғлиқ. Маконнинг объективлиги шундаки, у ҳақиқий дунё мавжудлигининг табиий шакли ҳисобланади. Субъективлик инсоннинг сезгир онгига боғлиқдир. Унинг дунёқарашини англатадиган, муносабатига кўра атрофдаги воқеликнинг битта ва бир хил объектини турли йўллар билан идрок этиш мумкин (масалан, қиш инсон тасавурида совуқ, изғирин, қалин кийимлар. “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романида ҳаёт қиш тасвири билан боғланиши мумкин, эришиб бўлмайдиган орзу, Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” асаридаги Ғулийлар мамлакатига қайта бориш ва

¹⁴ Ғарб фалсафаси. – Т., 2004. – Б. 492.

бошқалар). Субъектив макон ҳиссиётлар ва инсон тажрибаларига асосланган бўлади. Шунинг учун объектив макондан фарқли ўлароқ, у янада динамик ва кўп ўлчовлилиги билан ажралиб туради. Зеро, инсон сезгир онг ости даражасида бир макон ўлчамидан бошқасига (масалан, ҳозирги замондан ўтмиш ва келажакка, ҳақиқийдан эртақка ва ҳоказо) эркин ўтиши мумкин.

Тадқиқотчи С.Мирзаева замон ва вақт ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Реал замоннинг чексиз ва яхлитлиги бадиий замоннинг хусусиятларини ўрганишда меъёр бўла олади. Хуллас, концептуал вақт – асар воқеаларининг ибтидосидан интиҳосигача бўлган муҳлатни олувчи вақт, эпик вақт – сюжет воқеаларининг турли макон ва персонажлар хатти-ҳаракатида зоҳир бўлишини ифодаловчи вақт, перцептуал замон – асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари – хаёли, кечинмалари, туши билан боғлиқ кечувчи вақт”¹⁵.

Бадиий макон ҳақиқий, идрок этувчи ва концептуал макон хусусиятларини бирлаштиради. Концептуал макон бу асарда тасвирланган воқеаларнинг объектив асосидир. Масалан: “Донишманд Сизиф” ва “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романлари. Перцептуал макон бу тасаввур, идрок, ҳис қилиш соҳаси. Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” асари. Бу тасвирланган воқеаларга, персонажларга муаллиф ва унинг шахсий, ҳиссий муносабати асос бўлиб хизмат қилади. Реал воқелик билан бир қаторда, бадиий макон географик хусусиятларга эга бўлиши мумкин (табиий шароитларнинг тавсифи: иқлим, сув ҳавзалари, рельеф, ландшафт жой, боғ).

